

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**442 Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ–4732-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражасини узлуқсиз такомиллаштириш учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш жараёнларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ;

Базавий олий таълим муассасаларининг ўқув-методик ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни ўқитишнинг замонавий ахборот-коммуникация техникалари ва техник воситалари билан таъминлаш бўйича тадбирлар комплекси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда таълим муассасаларининг олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан тўлақонли фаолият юритишини ташкил этиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни кўрсинлар.

3. Белгилансинки, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи миқдори белгиланган миқдорларидан 2015 йил 1 сентябрдан бошлаб 25 фоизга кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув

машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилаш ҳуқуқи берилсин.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ишларини самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни ва ҳар томонлама ёрдам берилишини таъминласинлар.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 август,
242-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 20 августдаги 242-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш курслари тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонида мувофиқ олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражаси ва малакасининг доимий ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак-

лашиш, замонавий талабларга мувофиқ уларни мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш сифатини қуйидаги йўллар орқали тубдан оширишга йўналтирилган:

олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий ва педагогик даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологияларини, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг фаолиятини зарур даражада ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларининг, шу жумладан глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усуллари-дан фойдаланган ҳолда, илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларини эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касбий маҳоратини, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориш учун кенг фойдаланиш.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси (қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси) — янги касбий билимлар, маҳоратлар, замонавий кўникмалар ҳамда бошқарув ва педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ҳажмда ва етарли даражада ҳамда давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув-таълим жараёнига талаб қилинадиган сифатни таъминлайдиган даражада ваколатларни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли;

олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари — олий таълим муассасаси ректоратида ва деканатида бошқарув функциялари ва вазифаларини бажарувчи шахслар;

олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари — олий таълим муассасасида педагогик фаолиятни амалга оширувчи ва кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимидаги шахслар.

4. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

II. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг мақсади ва вазифалари

5. Ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурлари асосида касбий ва педагогик маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга кўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни мунтазам равишда янгилаб бориш қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг мақсади ҳисобланади.

6. Қуйидагилар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг вазифалари ҳисобланади:

раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва бавосита шакллари амалиётга жорий этиш;

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

III. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби

7. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари, идоравий мансублигидан қатъи назар, уч йилда камида бир марта доимий асосда қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шарт.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тегишли йўналишлар бўйича малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларини ҳисобга олган ҳолда, тингловчиларни сифатли ўқитиш учун моддий-техника базаси, педагоглар таркиби мавжуд бўлганда курслар фаолиятини ва ресурс таъминотини бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштириш асосида ташкил этилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари бепул асосда (такрорий ўқитишдан ташқари) ўқитилади.

8. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режаси-

нинг намунавий тузилмаси асосида ишлаб чиқилган 288 соат ҳажмдаги ўқув дастурлари бўйича икки ой давомида, ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади.

Бир ҳафтадаги ўқув юкласининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади.

9. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари ўқишни тугатгандан кейин таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш жараёнларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) томонидан тасдиқланадиган аттестация комиссиялари томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтишлари керак. Аттестация комиссияси тегишли соҳалардаги етакчи олимлар ва мутахассислар, илмий кенгаш аъзолари, ўқув-услубий ишлар соҳасидаги йирик мутахассислар сафидан камида 7 кишидан иборат бўлган олий таълим муассасаси ректори ёки фан доктори илмий унвони бериш бўйича илмий кенгаш раиси бошчилигида шакллантирилади.

10. Аттестациядан муваффақиятли ўтган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига қатъий ҳисобда турадиган давлат намунасидаги ҳужжат ҳисобланадиган малака аттестати берилади.

11. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан муваффақиятли ўтган олий таълим муассасалари педагог кадрлари тегишли йўналишлар бўйича бўш турган педагог лавозимини танлов бўйича эгаллашда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

12. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан ўтмаган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари бир йил мобайнида пулли асосда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсидан такроран ўтиши ҳамда ўқишнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсидан ўтиш муддати мобайнида аттестациядан ўтиши шарт.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтиш 288 соат ҳажмида ташкил этилади.

13. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан такроран ўтмаган ёки асосий иш жойи бўйича белгиланган муддатда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтмаган тақдирда, ушбу ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатидан ҳамда бўш турган педагог лавозимини эгаллаш танлови даврининг тугаган муддатидан қатъи назар, меҳнат шартномаси белгиланган тартибда икки ой мобайнида бекор қилинади. Бунда улар ўз педагогик фаолиятини бошқа таълим муассасаларида (олий таълим муассасаларидан ташқари) давом эттириши ёхуд бошқа ташкилотларда ишлаши ҳамда ўзининг касбий малакасини мустақил равишда ошириши мумкин.

Бунда олий таълим муассасаларининг педагог кадрларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишга ҳамда улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси тўхтатилган кундан 3 йил ўтгандан кейин

пулли асосда аттестациядан ўтишга рухсат берилади. Бунинг учун улар тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасасига курслардан ва аттестациядан ўтиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиладилар.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан, шунингдек аттестациядан муваффақиятли ўтган педагог кадрлар олий таълим муассасаларидаги бўш турган педагог лавозимларини эгаллаш учун танловда белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

14. Олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрлари аттестациядан такроран ўтмаган тақдирда, муайян раҳбарлик лавозимига тайинлашга ваколатли бошқарув органи (ёки олий таълим муассасаси раҳбари) бундан кейин ушбу шахсларнинг эгаллаб турган раҳбарлик лавозимида бўлишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнларини мониторинг қилиш, шунингдек тингловчиларнинг касбий фаолияти натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик марказининг (кейинги ўринларда Бош илмий-методик марказ деб аталади) ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

16. Ҳар йили 15 ноябрга қадар идоравий олий таълим муассасалари, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар буюртманомалари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш даврийлигига мувофиқ кейинги календарь йил учун ойлар ва ўқиш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг контингенти шакллантирилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш жадвали ҳар йили 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда олий таълим муассасаларига етказилади.

Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари ўқиш йўналиши ва эгаллаб турган лавозимига боғлиқ ҳолда, базавий олий таълим муассасалари, Бош илмий-методик марказ ва бошқа таълим муассасаларидаги доимий ишлайдиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилади.

17. Курсларга тингловчиларни қабул қилиш тасдиқланган ва жўнатувчи томонларнинг буйруғи асосида тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ курслар бошланиши санасидан бошлаб 3 кун мобайнида расмийлаштирилади.

18. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари бошлангандан кейин икки кун мобайнида келмаган тингловчилар, келмасликнинг сабабларидан қатъи назар, курсларга қўйилмайди.

Тингловчиларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига ўз вақтида келмаганликнинг ҳужжат билан тасдиқланган узрли сабаблари бўлганда уларга ўқишнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги курсларда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан ўтиш ҳуқуқи берилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига узрсиз сабаблар бўйича келмаган тақдирда тингловчилар аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади ҳамда уларга ушбу Низом 12 ва 13-бандларининг тегишли талаблари татбиқ этилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари тингловчиларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига ўз вақтида келмаганлигининг барча ҳолатлари тўғрисида тегишли чоралар кўриш учун жўнатувчи томонга ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига хабар беради.

19. Тингловчиларнинг касаллиги тасдиқланган тақдирда уларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ҳамда аттестациядан ўтиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишув бўйича тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ энг кеч муддатга кўчирилади.

20. Ўқиш тугалланадиган йилда олий таълим муассасаларига педагог лавозимларига қабул қилинган магистратура битирувчилари педагогик фаолиятнинг учинчи йилида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтадилар.

21. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишдан ўтадиган тингловчилар учун ўқишнинг барча даврида уларнинг асосий иш жойи бўйича эгаллаган лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади, уларнинг ўқув юкламаси эса олий таълим муассасаси кафедраларининг бошқа аъзолари ўртасида тақсимланади.

IV. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкилотчиларининг вазифалари ва функциялари

22. Идоралараро комиссия:

замонавий талабларга мувофиқ ўз касбий даражасининг доимий ўсишида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг манфаатдорлигини оширишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қоидаларни амалга ошириш юзасидан барча ишларни ташкил этади ва назоратини таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг ўқув-методик ва моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини ҳисобга олган ҳолда доимий такомиллаштириш ишларини ташкил этади;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш жараёнини барқарор тартибга солиш учун педагоглар таркиби қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтадиган таълим муассасаларининг ихтисослаштирилган кафедраларини, улар ўртасидаги муносабатларни мунтазам белгилаш учун олий қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг муайян таълим муассасаларига биркилади;

ҳар йили мажбурий тартибда аттестация комиссияларининг ҳисоботларини эшитган ва зарур бўлганда, улар таркибига ўзгартиришлар киритган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг аттестация комиссияларини шакллантиради ва тасдиқлайди.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: умумий раҳбарликни амалга оширади, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнини такомиллаштириш механизмлари ва услубларини белгилайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши керак бўлган тингловчиларнинг прогноз қилинаётган контингентини белгилайди;

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг талаб қилинадиган малакасини таъминлаш бўйича мақсадли топшириқларни тасдиқлайди.

24. Бош илмий-методик марказ:

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини ўқитиш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади.

умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талаблари, шунингдек ўқитишнинг замонавий шакллари ва услублари, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган ўқув режалари ва дастурлари асосида ўқитишнинг модул тизимини қўллаган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг ўқув жараёнини ташкил этади;

назарий ўқишни бошқарув фаолияти амалиёти билан мустаҳкам боғлаш, тингловчиларнинг мажбурий малакавий амалиётларини ўқув жараёнида олган назарий билимларини, шунингдек асосий қоидалар ва ўқишнинг яқунлари бўйича тайёрланган битириш лойиҳа ишлари хулосаларини амалиётда пухта ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли бошқармалари ва бўлимларида, бошқа бўлинмаларида, базавий олий таълим муассасаларида, давлат бошқарув органларида ташкил этишни таъминлайди;

тасдиқланган жадвалга асосан, ишдан ажраган, шу жумладан масофавий ўқитиш услубларини қўллаган ҳолда олий таълим муассасаларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади;

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш бўйича хорижий тажрибани ва таълим муассасаларининг эътироф этилган ютуқларини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнининг, қайта

тайёрлаш ва малака ошириш курслари битирувчилари касбий фаолиятининг доимий мониторингини ташкил этади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёни ҳамда раҳбар ва педагог кадрлар касбий фаолиятининг ягона электрон тизимлари мониторингининг ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш ва шакллантиришда олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро электрон алоқани таъминлайди;

барча қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг кириш онлайн-тест, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тиллар бўйича синовларини ташкил этади, шунингдек педагог кадрларнинг электрон портфолиосида тегишли натижаларнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди;

курслар тугаллангандан кейин қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича яқуний онлайн-тест синовларининг натижаларини электрон тизимда рўйхатдан ўтказган, кейинчалик курсларни тугаллашдан олдин аттестация комиссияларига тест синовлари натижаларини тақдим этган ҳолда ташкил этади;

жойларда педагог кадрлар томонидан ягона электрон мониторинг тизимига киритилган маълумотларнинг ишончилигини ўрганишни ташкил этади; Идоралараро комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

25. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари:

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этади;

курслар доирасида сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва касбий даражада машғулотлар ўтказиш учун зарур ўқув, услубий ва моддий-техника базасини ташкил этади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг етакчи педагог кадрларини ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгаш аъзоларини, шунингдек шартнома асосида мамлакатнинг бошқа олий таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрларини ва хорижий мутахассисларни, ўқув-услубий ходимлар ва амалиётчи мутахассисларни кенг жалб этишни таъминлайди;

қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича зарур ахборот-маълумотлар базасини шакллантиради, қайта тайёрлаш жараёнига замонавий инновацион педагогик, мультимедий ва ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқишни ва уларни жорий этишни ташкил этади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётганлар учун педагогик амалиёт ҳамда улар томонидан очиқ лекциялар ва амалий машғулотлар ўтказишни, кейинчалик муҳокама қилган ва танқидий таҳлил қилган ҳолда, ташкил этади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш даврида курсларнинг бошқа жойлардан келган тингловчиларига олий таълим муассасалари ётоқхоналаридан яшаш жойлари бериш чораларини кўради;

маълумотларнинг холисоналигини таъминлаган ҳолда Бош илмий-методик марказ ягона электрон тизимнинг тегишли ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича тизимли ишларни ташкил этади.

26. Олий таълим муассасалари:

раҳбар ва педагог кадрлар таркибидан тегишли йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши керак бўлган тингловчилар контингентини белгилайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларида раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлашнинг талаб қилинадиган сифатини таъминлаш бўйича мақсадли вазифаларни тасдиқлайди;

педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш даврида уларнинг ўқув юкнамаларини олдиндан қайта тақсимлашни таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тасдиқланган жадвали асосида ўз педагог кадрларининг тегишли курсларга белгиланган муддатларда ўз вақтида келишларини таъминлайди;

олий таълим муассасаларининг кенгашлари мажлисларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш натижаларини муҳокама қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этади;

курсларни муваффақиятли тамомлаган олий таълим муассасалари педагог кадрларининг илғор тажрибасини, янги билимлари ва кўникмаларини оммалаштиришни ташкил қилади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтган шахсларнинг касбий фаолияти бўйича доимий мониторингни ташкил этади;

хар бир ўқув йилида Бош илмий-методик марказнинг ягона электрон тизимига олий таълим муассасалари учун махсус ажратилган саҳифага педагоглар тўғрисидаги маълумотлар киритилишини таъминлайди, шунингдек тегишли ўқитувчилар маълумотларининг тўғри киритилганлиги юзасидан мониторинг олиб боради;

электрон портфолио тизими кўрсаткичлари бўйича олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари фаолиятини тизимли равишда таҳлил қилади;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш натижаларининг ички мониторингини олиб боради, юқори кўрсаткичларга эришган олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини моддий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, шунингдек педагог лавозимларини эгаллаш юзасидан танловлар ўтказиш жараёнида уларни асосий мезонлар сифатида ҳисобга олади.

V. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув жараёнини ташкил этиш

27. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари малакани мустақил ошириш жараёнида эришилган кўрсаткичлар негизида қайта тайёрлаш ва

малака ошириш таълим муассасаларида бевосита касбий ривожланишни ташкил этишнинг мақбул ва зарур йўллари танлаш имкониятини беради.

28. Раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш касбий билимларини, ўқув ва кўникмаларини доимий янгилаш учун имконият берувчи даврий тизим ҳисобланади.

29. Тингловчиларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш тегишли йўналишлар бўйича тасдиқланган малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлар, машғулотлар жадвали билан тартибга солинади. Ўқув режалари ва дастурлар фан, техника, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида ҳар йили такомиллаштирилади.

30. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари қўлланилади: маъруза, интерактив семинарлар, амалий машғулот, сайёр машғулот, тажриба алмашиш, мустақил ўқиш, педагогик (малака) амалиёт, лойиҳа ишини ҳимоя қилиш.

Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

31. Аудиторияда ўтказиладиган барча машғулотлар турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус — камида 10 дақиқани ташкил этади.

32. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни олий таълим муассасаларидан тақдим этилган йиллик буюртманомалар бўйича гуруҳларнинг тўлдирилишига боғлиқ ҳолда тингловчилар сони, қоидага кўра, камида 15 — 20 кишини ташкил этган академик гуруҳларда ташкил этилади.

33. Педагог кадрларнинг педагогик (малака) амалиёти олий таълим муассасаларининг ихтисослаштирилган кафедралари, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ташкилотлари базасида ташкил этилади.

34. Тингловчиларнинг ўзлаштириши рейтинг баҳолаш тизими асосида назорат қилинади. Рейтинг балини жамлашда:

ҳар ҳафталик ассисментлар натижалари (жорий назорат);

педагогик (малака) амалиёт якунлари;

курсни тамомлагандан кейинги тест синовлари натижалари;

лойиҳа ишини ҳимоя қилиш натижалари ҳисобга олинади.

35. Узрсиз сабаблар билан 30 соатдан кўп ҳажмда машғулотларда қатнашмаганлик учун курсларнинг тингловчилари қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафидан чиқарилади ва бу ҳақдаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, шунингдек тингловчининг асосий иш жойига юборилади.

Машғулотларда қатнашмаганлиги учун курслардан четлаштирилган тингловчилар аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади ҳамда ушбу Низом 12 ва 13-бандларининг тегишли талаблари уларга нисбатан татбиқ этилади.

36. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг педагоглар таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томо-

нидан белгиланадиган тартибда Бош илмий-методик марказда мунтазам равишда қисқа муддатли малака ошириш курсларидан ўтадилар.

37. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун олий таълим муассасасининг етакчи педагог кадрлари, докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгаш аъзолари, шунингдек шартнома асосида мамлакатнинг бошқа олий таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрлари, хорижий мутахассислар, ўқув-методика ходимлари ва амалиётчи мутахассислар жалб этиладилар.

38. Аттестация комиссияларининг раислари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида мунтазам равишда фан ва техникани ривожлантиришнинг тегишли йўналишлари бўйича муаммовий маърузалар ўқийдилар.

39. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари билан тингловчиларни ўқитадиган педагоглар таркибининг ўқув юкларини ҳажми ўқув йили мобайнида белгиланган нормативлар бўйича улар амалда бажарадиган ўқув ишларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

VI. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларини аттестациядан ўтказиш

40. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари қуйидаги натижалар бўйича аттестацияга кўйиш асосида аттестация комиссиялари томонидан аттестациядан ўтказилади:

кириш ва якуний онлайн-тест синовлари натижалари;

ассисментлар натижалари;

педагогик (малака) амалиёт натижалари;

касбий фаолият, шу жумладан электрон тизим бўйича натижалар.

41. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг битирув лойиҳа ишини ҳимоя қилиш аттестация комиссиясида амалга оширилади.

42. Аттестация комиссияси ўз қарорини онлайн-тест синовлари, ассисментлар, педагогик (малака) амалиёт, битирув лойиҳа ишини ҳимоя қилиш натижалари асосида, шунингдек касбий фаолият кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади.

43. Аттестация комиссиясининг қарори қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг ўқитиш курсларини муваффақиятли якунлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги малака аттестати бериш тўғрисидаги буйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

44. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг аттестация комиссиялари аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш аттестация комиссияси таркибида ишларни бажаришнинг белгиланган нормативларидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттеста-

циядан ўтказишнинг юқори сифат даражасини таъминлаш мақсадида аттестация комиссияларининг раисларига, уларга илгари белгиланган бошқа қўшимча ҳақ ва устамалардан қатъи назар, асосий иш жойи бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида лавозим маошининг (тариф сеткасининг) 30 фоизи миқдорида устама белгиланади.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш СХЕМАСИ

1-босқич		2-босқич	3-босқич	4-босқич	5-босқич	
Тингловчилар контингентини шакллантириш		Режа-жадвални тасдиқлаш	Ўқув жараёни	Педагогик (малака) амалиёти	Тингловчиларни аттестация қилиш (таркиби камида 7 кишидан иборат ректор ёки илмий кенгаш раиси бошчилигидаги аттестация комиссияси)	
Олий таълим муассасалари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (БИУМ)	Режа-жадвални тасдиқлаш ўқиш йўналишлари ва эгаллаб турган лавозимига қараб тингловчилар контингентини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади	Кириш — онлайн-тест синовлари; лекциялар; амалий машғулотлар; сайёр машғулотлар; мустақил ўқиш; ассисмент (жорий назорат)	Олий таълим муассасаларининг ихтисослаштирилган кафедралари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ташкилотлари негизида	Онлайн-тест синовлари натижалари, ассисментлар, педагогика (малака) амалиёти натижалари; битириш лойиҳа ишларини ҳимоя қилиш натижаси; касбий фаолияти кўрсаткичлари	Аттестациядан муваффақиятли ўтганларга: тегишли йўналиш бўйича бўш турган педагог лавозимларига танлов бўйича ўтишда имтиёзли ҳуқуқ берадиган малака аттестати берилди.
Педагог кадрларнинг фаолиятини тизимли таҳлил қилиш асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтишнинг белгиланган даврийлигига мувофиқ тингловчиларнинг контингентини аниқлайди	Олий таълим муассасалари буюртманомалари асосида кейинги календарь йил учун эгаллаб турган лавозимига қараб ўқиш даврлари ва йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларнинг контингентини шакллантиради					Аттестациядан ўتماганлар: бир йил мобайнида пулли асосда курслардан такроран ўтиши ва ўқишнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги курснинг ўтиш муддатларида аттестациядан ўтиши шарт.
Ҳар йили 15 ноябргача		Ҳар йили 1 декабргача	Тасдиқланган жадвал бўйича ҳар йили 1 январдан бошлаб	Ўқув жараёнидан кейин	Курслар тугаллангач	

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 20 августдаги 242-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва
педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш, аттестациядан ўтказиш жараёнларини ташкил этиш
ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия
ТАРКИБИ**

- | | |
|-----------------------|--|
| 1. Ходиев Б.Ю. | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раҳбари |
| 2. Вахабов А.В. | — Олий ва ўрта махсус таълим вазири, комиссия раҳбарининг ўринбосари |
| 3. Набиев Д.Х. | — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари (келишув бўйича) |
| 4. Алимов А.В. | — Соғлиқни сақлаш вазири |
| 5. Тешаев Ш.Ж. | — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири |
| 6. Иноятов У.И. | — Халқ таълими вазири |
| 7. Ахмедов Б.М. | — Маданият ва спорт ишлари вазири |
| 8. Турдиев Д.Р. | — Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари |
| 9. Лавозими бўйича | — Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг раиси |
| 10. Файзуллаев А.Н. | — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари |
| 11. Усманов Б.Ш. | — Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари |
| 12. Сирожиддинов Ш.С. | — Ўзбекистон Миллий университетининг ректори |
| 13. Саидахмедов Р.Х. | — Тошкент давлат техника университетининг ректори |
| 14. Канъязов Е.С. | — Тошкент давлат юридик университетининг ректори |
| 15. Онорбоев Б.О. | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ёшлар сиёсати, таълим ва маданият ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси, комиссия котиби. |

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 20 августдаги 242-сон қарорига
3-ИЛОВА

442-модда

**Базавий олий таълим муассасаларининг ўқув-методик ва моддий-техника базасини
муस्ताҳкамлаш, уларни ўқитишнинг замонавий ахборот-коммуникация техникалари
ва техник воситалари билан таъминлаш бўйича
ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИ**

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Масъул бажарувчилар
I. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш учун қонуңчиликни такомиллаштириш					
1.	Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	2015 йил 25 август	—	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ, Давлат тест маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
2.	Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг янги-ланган малака талабларини, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2015 йил 25 август	—	Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг тасдиқланган малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ, Давлат тест маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги
3.	Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг ўтказиладиган аттестацияси сифат даражаси учун масъулиятни белгилаган ҳолда аттестация комиссиялари раислари ва аъзолари билан меҳнат шартномалари тузиш тартибини тасдиқлаш.	2015 йил 25 август	—	Аттестация комиссиялари раислари ва аъзолари билан меҳнат шартномалари тузиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги қўшма қарор	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси қонуң ҳужжатлари тўғрисида, 2015 й.

— 76 —

33 (689) -сон

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Масъул бажарувчилар
4.	Малака аттестатларини зарур миқдорда тайёрлаш, бунда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ҳар йили қутилаётган контингентини ҳисобга олиш.	Ҳар йили 2015 йил 1 сентябр-гача	Давлат бюджети маблағлари	Малака аттестати	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Молия вазирлиги
II. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари бўйича замонавий ўқув-методик ва ахборот-маълумотнома базасини шакллантириш					
5.	Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларини замонавий дарсликлар, ўқув-методик комплекслар ҳамда ўқув-қўرғазмалар қўлланмалар, маълумотнома-ахборот нашрлари ва бошқа ўқув-илмий адабиётлар билан босқичма-босқич таъминлаш, шу жумладан қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича хорижий нашрлар ва илмий журналлар билан мунтазам таъминлаш.	2015 — 2017 йиллар	Ушбу мақсадлар учун назарда тутилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари доирасида	Бажарувчиларнинг комплекс чоратадбирлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги
6.	Раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув режалари модуллари бўйича ўқув-методик материалларни, шу жумладан электрон форматда ишлаб чиқиш.	2015 йил 31 декабрь		Тасдиқланган ўқув-методик материаллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ, базавий олий таълим муассасалари
7.	Бош илмий-методик марказ портали асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот-таълим муҳитини шакллантириш ҳамда онлайн-электрон ўқув материаллари кутубхонасини ташкил этиш.	2015 йил 31 декабрь		Ресурслардан фойдаланишнинг шахсий тизимига эга бўлган Интернет ресурслар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош илмий-методик марказ, базавий олий таълим муассасалари

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Масъул бажарувчилар
III. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация техникалари ва ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлаш					
8.	Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш учун олий таълим муассасалари томонидан асосланган эҳтиёж бўйича қўшимча ўқув аудиториялари ва хоналари ажратиш.	2015 йил 25 август	—	Вазирликлар ва идоралар буйруқлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги
9.	Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ўтказиш учун ажратилган олий таълим муассасаларининг ўқув аудиторияларини жорий ва мукамал таъмирлашни белгиланган тартибда амалга ошириш.	2015 йил 1 сентябрь	Ушбу мақсадлар учун назарда тутилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари доирасида	Бажарилган ишларнинг манзилли рўйхатлари, далолатномалари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги
10.	Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг асосланган буюртманомалари бўйича мебеллар, инвентарлар, ахборот-коммуникация техникалари ҳамда ўқитишнинг техник воситалари билан белгиланган тартибда жиҳозлаш.	2015 йил	Бюджет маблағлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатлар	Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги